

**“Боғот дон” акциядорлик жамияти**  
**акциядорларининг 2024 йил якуни бўйича умумий йиғилиши**  
**1-сонли баённомаси**

2025 йил 26 июнь соат 09-00

Боғот тумани

**Йиғилиш раиси:** А.Х.Атаев - Кузатув кенгаши раиси

**Иштирок этганлар:** “Боғот-дон” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари (рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)

Жами овоз берувчи акциялар 1 135 358 (бир миллион бир юз ўттиз беш минг уч юз эллик саккиз) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 759229 дона. Йиғилиш кворуми **66,87** фоиз.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан Кузатув кенгаши раиси А.Атаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очик овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

| Т.Р. | Фамилия, исми ва шарифи | Лавозими                            |
|------|-------------------------|-------------------------------------|
| 1    | Саидов Иззат            | “Боғот дон” АЖ ҳисобчи              |
| 2    | Матрасулов Мақсуд       | “Боғот дон” АЖ лаборатория мудири   |
| 3    | Матякубов Акмал         | “Боғот дон” АЖ ун тегирмони бошлиғи |



**Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.**

Шундан сўнг, Кузатув кенгаши раиси А.Атаев акциядорларнинг умумий йиғилишни олиб бориш тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танафуссиз якунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

**Қуйидаги (олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:**

1. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини келишиши.
2. Саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини белгилаш.
3. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва 2024 йил бизнес-режасининг бажарилиши юзасидан бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини эшитиши.
4. Жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.
5. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолиятини текишириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ва ички аудиторнинг ҳулосаси билан танишиши.
6. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолиятини молиявий фаолият таҳлили ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК, СЙК) бажарилиши тўғрисида ташқи аудит ҳулосаларини кўриб чиқиб тўғрисида.
7. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2024 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятини баҳолаш ҳулосасини эшитиш ва 2025 йил натижаларини аудит текишувидан ўтказиш бўйича ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш тўғрисида.
8. Жамиятнинг 2024 йил молиявий кўрсаткичлари якуний ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисоб-варагини, соф фойда тақсимотини ва дивиденд ҳажминини шакллантириш масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида.
9. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини тўғрисида.
10. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
11. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамият бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.

Кузатув кенгаши раиси А.Атаев юқорида келтирилган кун тартиби бўйича қўшимча таклиф ёки эътирозлар бўлмаса очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Таклиф этилган кун тартиби бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**



Йиғилиш раислигига А.Атаев ва котиблигига жамият Акциядорлар билан Корпаратив муносабатлар бўйича мутахасис А.Искандаров номзодлари таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига “Боғот-дон” АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Атаев ва кузатув кенгаши азолари, бошқарув раиси Х.Ғаффаров, ишлаб чиқариш масалалари бўйича директор И.Ахмедов ҳамда бош ҳисобчи К.Ғофуровлар номзодлари таклиф этилди.

Кузатув кенгаши раиси А.Атаев кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очик овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан раислик қилувчи А.Атаев сўз навбатини “Боғот-дон” Акциядорлик жамияти раиси Х.Ғаффаровга берди.

Х.Ғаффаров сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва Бизнес-режасининг бажарилиши юзасидан батафсил маълумот бериб ўтди.

Бундан ташқари 2025 йил учун **Бизнес-режада** белгилаб олинган бажариладиган ишлар тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди.  
(ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги учинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 3   | 759229 (100 фоиз) | йўқ      | йўқ        |

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала юзасидан мажлисга раислик қилувчи А.Атаев сўз навбатини “Боғот-дон” Акциядорлик жамияти жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосарининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи юзасидан И.Ахмедовга берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамиятда 2024 йилда бажарилган ишлар юзасидан батафсил маълумот бериб ўтди. (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги тўртинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 4   | 759229 (100 фоиз) | йўқ      | йўқ        |



Кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан ички аудит ва тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари юзасидан раислик қилувчи А.Атаев сўз навбатини тафтиш комиссияси аъзоси Р.Авезовга берилди. У ички аудит ва тафтиш комиссияси томонидан 2024 йил якуни бўйича маолиявий фаолиятни тафтиш қилиш хулосаларини ўқиб эшиттирди. *(ҳисобот илова қилинади)*

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги бешинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 5   | 759229 (100 фоиз) | йўқ      | йўқ        |

Кун тартибидаги **олтинчи** масала юзасидан раислик қилувчи А.Атаев сўз навбатини жамиятнинг бош ҳисобчиси К.Ғофуровга берди. У ўз сўзида 2024 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар шартномага асосан “KORIFEY-AUDIT” МЧЖ томонидан аудит текширувидан ўтказилган ва **ижобий** хулоса берилганлиги тўғрисида гапирди ва хулосани ўқиб эшиттирди. *(ҳисобот илова қилинади)*

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги олтинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 6   | 759229 (100 фоиз) | Йўқ      | йўқ        |

Кун тартибидаги **еттинчи** масала юзасидан бош ҳисобчиси К.Ғофуров сўзини давом қилдириб 2024 йил якуни бўйича мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни баҳолаш бўйича хулосасини ўқиб эшитирди ва муносабат билдиришларини сўради. *(ҳисобот илова қилинади).*

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги еттинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 7   | 759229 (100 фоиз) | йўқ      | йўқ        |



Кун тартибидаги **саккизинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси К.Ғофуров сўзини қилдириб 2024 йил якуни бўйича корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда, яъни 232 млн 494 минг сўмни қуйидагича тақсимлашни таклиф қилди:

**1. Дивидендга - 50 фоиз** (116 млн 247 минг) сўм, шундан:

- оддий акциялар: 1135358 донага 111 млн 746 минг 520 сўм,
- имтиёзли акциялар: 18752 донага 4 млн 500 минг 480 сўм;

**2. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига - 10 фоиз** (23 млн 249 минг 400) сўм;

**3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига - 40 фоизи** (92 млн 997 минг 600 сўм).

Жамиятимизнинг 2025 йил учун корпоратив бошқарувни мустақил баҳолаш ва молиявий фаолиятнинг ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш учун мустақил аудиторлик ташкилотини электрон савдолар орқали қонунларда белгиланган тартибда танлаб олишни ва 2025 йиллик молиявий фаолиятнинг ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш учун хизмат ҳаққи кўпи билан 20000000 (йигирма миллион) сўм (ққс билан) ва 2025 йил учун корпоратив бошқарувни мустақил баҳолаш учун кўпи билан 8000000 (саккиз миллион) сўм (ққс билан) қилиб белгилашни таклиф қилди. *(ҳисобот илова қилинади).*

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги саккизинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 8   | 759229 (100 фоиз) | Йўқ      | йўқ        |

Кун тартибидаги **тўққизинчи** масала юзасидан “Богот-дон” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси А.Атаев сўзга чиқиб, 2024 йил давомида Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўққизинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 9   | 759229 (100 фоиз) | Йўқ      | йўқ        |

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси А.Атаев сўзини давом қилдириб, Жамиятнинг Янги таҳрирдаги Низоми (устави)ни ўқиб эшиттирди ва ўзгаришлари ҳақида гапириб ўтди.



Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 10  | 759229 (100 фоиз) | Йўқ      | йўқ        |

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан раислик қилувчи А.Атаев, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молиявий йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди.

Қонунда белгиланган муддатда Кузатув кенгаши аъзоллигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

| т/р | Фамилия, исми ва шарифи          | Лавозими                                                                    | тарафдорлар | қаршилар | бетарафлар |
|-----|----------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|-------------|----------|------------|
| 1   | Рахимов Шухрат Ражапович         | ДавАктив агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи            | 908288      | йўқ      | йўқ        |
| 2   | Атаев Азад Хурматович            | ДавАктив агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари | 908286      | йўқ      | йўқ        |
| 3   | Рахматуллаев Амирхон Мансур ўғли | ДавАктив агентлигининг етакчи мутахассиси                                   | 908286      | йўқ      | йўқ        |
| 4   | Ғаффарова Зулхумар Самандаровна  | “Зебо Комилжон” ОК зал мудири                                               | 529118      | йўқ      | йўқ        |
| 5   | Искандарова ЗебоХушнуд қизи      | “Зебо Комилжон” ОК ишчи                                                     | 529117      | йўқ      | йўқ        |

Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи биринчи масаланинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш юзасидан берилган таклифлар акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.



*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 10  | 759229 (100 фоиз) | Йўқ      | Йўқ        |

Кун тартибидаги ўн биринчи масаланинг тафтиш комиссияси сайлаш юзасидан, қонунда белгиланган муддатда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзод қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

| т/р | Фамилия, исми ва шарифи              | Лавозими       | тарафдорлар | қаршилар | бетарафлар |
|-----|--------------------------------------|----------------|-------------|----------|------------|
| 1   | Авезов<br>Рахматулло<br>Самандарович | Нафақахўр      | 214257      | 544972   | йўқ        |
| 2   | Кулметов Эркин<br>Юсупович           | Нафақахўр      | 214257      | 544972   | йўқ        |
| 3   | Ғаффаров<br>Эргашбой<br>Искандарович | Вақтинча ишсиз | 214257      | 544972   | йўқ        |

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн биринчи масаланинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича тарафдорлар 214257, қаршилар 544972 ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар   | Қаршилар      | Бетарафлар |
|-----|---------------|---------------|------------|
| 11  | 214257(28,2%) | 544972(71,8%) | йўқ        |

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Атаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатга ёлланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб, Ғаффаров Хушнуд Искандарович номзодини “Боғот-дон” акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилиши юзасидан таклиф киритди. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга яъни, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузиш таклифини берди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн иккинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**



Овоз бериш натижалари қуйидагича:

| т/р | Тарафдорлар       | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------------|----------|------------|
| 12  | 759229 (100 фоиз) | йўқ      | йўқ        |

### УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилган “Боғот дон” АЖнинг бугунги умумий йиғилиш санок комиссияси сони ва таркиби тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2024 йилги молия-хўжалик фаолияти якуни ва Бизнес-режасининг бажарилиши бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботи кониқарли деб ҳисоблансин ва жамиятнинг 2025 йил учун белгиланган Бизнес-режаси тасдиқлансин.

3. 2024 йил якуни бўйича бошқарув раисининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича директорларининг ҳисоботи маъқуллансин.

4. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ва ички аудиторининг ҳулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2024 йил учун жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2024 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижалари мақуллансин ва маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2024 йил учун корпоратив бошқарувни мустақил баҳолаш бўйича аудит ҳулосаси мақуллансин ва маълумот учун қабул қилинсин ҳамда жамиятимизнинг 2025 йил учун корпоратив бошқарувни мустақил баҳолаш ва молиявий фаолиятнинг ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш учун мустақил аудиторлик ташкилотини электрон савдолар орқали конунларда белгиланган тартибда танлаб олишни ва 2025 йиллик молиявий фаолиятнинг ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш учун хизмат ҳаққининг юқори чегараси 20000000 (йигирма миллион) сўм (ққс билан) ва 2025 йил учун корпоратив бошқарувни мустақил баҳолашнинг юқори чегараси 8000000(саккиз миллион) сўм (ққс билан) қилиб белгилаш таклифи мақуллансин.

7. 2024 йил якуни бўйича корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда, яъни 232 млн 494 минг сўмни қуйидагича:

1. Дивидендга - 50 фоиз (116 млн 247 минг) сўм, шундан:

- оддий акциялар: 1135358 донага 111 млн 746 минг 520 сўм,
- имтиёзли акциялар: 18752 донага 4 млн 500 минг 480 сўм;

2. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига - 10 фоиз (23 млн 249 минг 400) сўм;

3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига - 40 фоизи (92 млн 997 минг 600 сўм). Таклифи мақуллансин.

Дивиденд учун тақсимланган 111 млн. 746 минг 520 сўмни жами жойлаштирилган номинал қиймати 800 сўмдан бўлган 1 135 358 дона акцияга



бўлсак, ҳар бир оддий ва имтиёзли акцияга тўланадиган дивидент миқдори 98 сўм 42 тийиндан тўғри келади. Ҳисобланган дивидендларни 2025 йил 10 июлидан бошлаб корхонадан ҳисоб рақамга пул ўтказиш ва пластик карточкага пул кўчириш орқали қонунда белгиланган муддатларда ҳисоблашилсин.

8. Кузатув кенгаши раисининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисобот мақуullanсин ва маълумот учун қабул қилинсин.

9. Жамиятнинг Янги тахрирдаги Низоми (устаи) тасдиқлансин ва рўйхатдан ўтказилсин.

10. Санок комиссиясининг баёнига асосан куммулятив овоз бериш якуни бўйича Кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар сайланган ҳисоблансин.

- а) Рахимов Шухрат Ражапович
- б) Атаев Азад Хурматович
- в) Раҳматуллаев Амирхон Мансур ўғли
- г) Гаффарова Зулхумар Самандаровна
- д) Искандарова ЗебоХушнуд қизи.

11. Тафтиш комиссияси таркиби сайланмаган ҳисоблансин.

12. Гаффаров Хушнуд Искандарович билан Кузатув кенгаши ўртасида акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар “Боғот-дон” акциядорлик жамиятининг бошқарув раислигига меҳнат шартномаси узайтирилсин.

13. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш жамият бошқаруви раиси Х.Гаффаров зиммасига юклатилсин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси



А.Атаев

Йиғилиш котиби



А.Искандаров

Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана 28 июн 2025 йил.